

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 6 “ февраль № ПҚ-3510 „ “ 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат  
қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишда унинг ролини кучайтириш, кириш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 107 нафар бўлган марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва Туризмни ривожлантириш департаментларининг намунавий тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига, зарур ҳолларда, ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида қўмита марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати ходимларининг сони босқичма-босқич кўпайтирилади, жумладан:

биринчи босқич – 2018 йил 10 февралдан Қўмита марказий аппарати ходимларининг сони 79 нафаргача;

иккинчи босқич – 2019 йил 1 январдан Қўмита марказий аппарати ходимларининг сони 107 нафаргача етказилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри Туризмни ривожлантириш департаментлари, шунингдек, Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тасарруфида бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ–2666-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмурадов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**




**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри


Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил « 6 » февралдаги ПҚ–3510 қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ\***



Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкилий тузилмасига томонларнинг келишуви асосида фаолияти туризм соҳаси билан боғлиқ бўлган бошқа жамоат ташкилотлари ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси марказий аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 107 нафар.

\* Штатдан ташқари хорижий маслаҳатчилар тайинланиши мумкин.

\* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.


**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Барча ҳудудий бошқармалар бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 63 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

Туризмни ривожлантириш департаментининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛИМАСИ\*



\*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 35 нафар.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил « 6 » февралдаги ПҚ– 3510 қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси  
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш  
тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.”

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 47 уйда, “Миллий PR маркази” Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уйда жойлаштирилсин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси марказий аппаратида 5 та шахсан бириктирилган (хорижий маслаҳатчиларга бириктирилганларни ҳисобга олмаган ҳолда), 1 та махсус (йўлсиз жойларда юра оладиган), 2 та навбатчи автомобиль ва 1 та микроавтобус лимити ажратилиши назарда тутилади;

Қўмитага тегишли хизмат автомобиль транспортига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган йиллик километр масофа лимити татбиқ этилмайди.”

3. 4-иловада:

а) илова белгисидан “4-” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мамлакатнинг юқори туристик имижини сақлаш мақсадида туризм соҳасини тарғиб қилувчи реклама ва бошқа маҳсулотларни (мамлакатнинг туризм салоҳиятини акс эттирувчи реклама аудио-видеоматериаллар, рисодалар, фотоальбомлар, китоблар, хариталар ва бошқа реклама-ахборот материаллари, мақолалар, компьютер дастурлари, веб-сайтлар, порталлар) яратиш, чоп этиш, кўпайтиришни амалга ошириш, сувенирлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш, шунингдек, мамлакат худудида ва хорижда тадбирлар ташкил этиш учун меҳмонхона, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш мақсадида мустақил ёки идоравий мансуб ташкилотлар орқали белгиланган тартибда шартномалар тузиш”;

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи - йигирма еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан журналистлар, блогерлар ва суратга олиш гуруҳларини хорижга ва Ўзбекистон ҳудудларига Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ҳақида репортажлар, видеороликлар тайёрлаш, Қўмита делегациялари ва туризм компаниялари иштирок этадиган кўргазма, музокара ва бошқа шундай тадбирларни ёритиш учун юбориш;

Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий ва хорижий иштирокчилар ўртасида туризмнинг истикболли турлари ва йўналишларини, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб ва реклама қилишга қаратилган совринли танлов ва викториналар ўтказиш;

хорижий телерадиокомпаниялар ва бошқа оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва рақамли оммавий ахборот воситалари билан маркетинг стратегиясидан келиб чиқиб, хорижий бозорларга мўлжалланган реклама, репортаж ва бошқа роликларни трансляция қилиш, мақолалар, рекламалар, босма маҳсулотлар, шу жумладан туризм хариталари, рисоалар ва китоблар, интернет видеороликлари тайёрлаш ва чоп этиш, шунингдек реклама ва фоторепортажларни ҳамда шу каби бошқа маҳсулотларни суратга олиш ва тайёрлаш учун шартномалар тузиш;

газеталар, журналлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларига таъсисчи бўлиш, шу жумладан идоравий мансуб ташкилотлари орқали;

Қўмита балансида турган кўчмас мулкдан фойдаланиш учун ўзининг идоравий мансуб ташкилотларига ижара тўловлари учун ноль қиймат белгилаш.

Қўмита ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ихтисослаштирилган халқаро (чет эл) ташкилотларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Қўмита ўзига учинчи шахслар томонидан жалб қилинган кредитлар бўйича кредит мажбуриятларини олиш, шунингдек кафилик вазифасини бажариш ёки кафолат бериш ҳуқуқига эга эмас”;

йигирма иккинчи хатбоши йигирма саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

в) 11-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган тўртта ўринбосар, шу жумладан битта биринчи ўринбосарга эга.”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қўмита раиси мақоми бўйича вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари – вазир ўринбосарларига тенглаштирилади”;



г) 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қўмитанинг марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини моддий рағбатлантиришнинг қўшимча механизмларини белгилайди”;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 13-банднинг биринчи хатбошидаги “биринчи ўринбосари ва ўринбосари” сўзларини “ўринбосарлари” деган сўз билан алмаштирилсин”.

е) 15-банднинг “г” кичик банди иккинчи хатбошиси “ошириш” сўзидан сўнг “икки баробар” сўзлари билан тўлдирилсин.

